АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ДАВР ТАЛАБИ

У.ҲАМДАМОВ

В статье рассмотрены основные тенденции в современном узбекском литературоведении, обоснована необходимость синтеза традиций восточной и европейской литературно-критической мысли для дальнейшего развития науки о литературе.

In this article the basic tendencies in modern Uzbek literary criticism are considered, the necessity of synthesis of traditions of east and European literary - critical idea for the further development of a science about the literature is proved.

Мамлакатимизда XX асрнинг сўнгги ўн-ўн беш йили мобайнида юз берган оламшумул сиёсий-тарихий ва ижтимоий-маънавий эврилишлар ўзбек адабиётшунослигининг мазмун-мундарижасида ҳам ана шундай улкан ўзгаришларнинг муқаррарлигини аниқ қилиб қўйди. Чунки муайян ҳукмдор мафкура туйнугидан туриб дунёга қараш, уни тушуниш ва тушунтириш натижасида ҳосил бўлган адабиёт илмининг бир қанча жиддий масалалар юзасидан нуқтаи назари бу вақтга келиб тамоман яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бошқача айтганда, янги замон, янги жамият ва янги қадриятларнинг ташкил топиши ўлкадаги ҳар бир соҳада бўлганидек, адабиётшунослик илми олдига ҳам бир талай фундаментал муаммоларни ечишни тақозо қила бошлади. Бинобарин, ўзбек олимларининг олдида янги адабиётшунослик илми асосларини қайта кўриб чиқиш ва мустаҳкамлашдек ғоят масъулиятли вазифа пайдо бўлди.

Аввало, янги замонавий ўзбек адабиётшунослиги қандай бўлиши керак ва у қайси йўлдан боради? – деган саволга чуқур асосли илмий жавоб топиш керак бўлади. Эскисичи? Ундан фойдаланиш мумкинми? Ёки пешонасига “даври ўтди” деган тамғани босиб, воз кечиладими? Унда янгисини қаердан олиш мумкин? Илғор Европа, Америка ва Россия адабиётшунослигининг ютуқларини шундайлигича ўзбек адабиёти илмига кўчириб қўйиш ўзини қанчалик оқлайди? Ахир маданият ва адабиётда нусха кўчириш тамойилининг нечоғли қалтислиги ҳақида (мамлакатларининг ва имконларининг нақадар улкан эканлигига қарамай) рус олимларининг ўзлари ҳам бонг уришаяпти-ку! “Бошқасига ўхшаб қолган маданият кераксизлиги туфайли йўқолиб кетади” [1;127] деб ёзади Т.Григорьева. Шунга ўхшаш фикрни Б.Реизов илгари суради: “Миллий адабиётлар бир бирига ўхшамаганликлари туфайли ҳам баробар яшайдилар” [2;183]. Замондошимиз, улкан рус адабиётшунос олими Е.Хализев бўлса масаланинг ҳар икки қиррасига эътибор қилади: “Янги замоннинг халқаро адабий алоқалар соҳасидаги энг улкан ҳодисаларидан бири ғарбий европа тажрибасининг бошқа регионларга (Шарқий Европа ва ноевропа мамлакатларию халқларига) бўлган интенсив таъсири масаласидир. Ушбу европалашиш ёки ғарблашиш деб аталган оламшумул маданий феномен турли-туман нуқтаи назардан туриб талқин қилинмоқда, баҳоланмоқда. Бу эса битмас-туганмас баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Замондош олимлар европалашишнинг ноевропа маданияти ва адабиёти учун ҳам салбий, негатив, ҳам позитив томонларига диққат қаратишмоқда” [3;].

(Юқорида гап маданият ва бадиий адабиёт ҳақида бораётган бўлса-да, уни ҳеч иккиланмасдан адабиётшунослик илмига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.)

Шуларни ҳисобга олсак, “Наҳотки, адабиётшунослигимизда ўз йўлимиз йўқ?” деган савол туғилади. Шарқ дунёқараши, диний, ҳудудий ва миллий қадриятларга суянган ўзимизнинг адабий-танқидий тафаккуримиз наҳотки коримизга ярамаса? Агар ҳаммасини четдан – рус, немис, инглиз, француз, испан ва америка сингари илғор мамлакатларнинг адабиётшунослигидан “қарз” олиб туришда давом этаверсак, оқибати нима бўлади? “Қарз” олинган андозалар миллий руҳда ёзилган бадиият намуналарини ҳар доим ҳам бекаму кўст синчилаб, тушунтириб бера олармикан? Шарқона, ўзбекона асарлар характерини, уларнинг нозик табиатини аъло даражада очиб, кашф эта олармикин?.. Мана шуларни ўйлаганда, кўнгилдан беихтиёр ўзимизникини яратиш истаги ўтиб қолади. Аслида, ичкарида бунинг ҳам энг тўғри йўл эмаслигини тушуниб турамиз. Хўш, нега? Чунки маданий-маънавий, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан ўзининг биқиқ дунёсида қолиш дегани пировардида ҳалокатга юз тутишдир. Шарқни қайтадан кашф қиламизми, Ғарбдан ўрганишда давом этамизми, ҳамма гап ана шу ҳаракатларимизнинг меъёрида: нимани, қаерда ва қан-

дай ўрганишимиз, уни қандай мақсадларда илмга тадбиқ этишимиз эртанги адабиёт-шунослигимизнинг бўйу бастини белгилаб беришига шубҳа қилмайман. Мана шу маънода улуғ Шарқнинг мисқоллаб йиғилган, лекин тарих саҳифаларида чанг босиб ётган хазинасини – бадиий-эстетик қарашларини илмий муомалага тортиш ҳақиқатан бугуннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бу ҳаракат бизнинг Ғарб адабий-танқидий фикрини ўрганишимизга монеълик қилмайди, асло.

Буларнинг ҳаммаси эса бошдан оёқ муаммо. Муаммо бўлгандаям, бир ҳамла билан ечиб бўлмайдиган, аксинча, узоқ изланишларни, заҳмат ва меҳнатни, жасорат ва фидойиликни талаб қилади. Албатта, кейинги пайтларда бу ҳақда нафақат гапирилмоқда, балки салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда ҳам [5].

Сўнгги вақтлардаги айрим чиқишларда янги ўзбек адабиётшунослиги қайси йўлдан бориши кераклиги тўғрисида турли-туман қарашлар ўртага ташланмоқда. Баъзи олимларнинг (У.Норматов, А.Расулов, С.Содиқ, Қ.Йўлдошев,) умумий дунёқараши заминида ғарб-адабий-танқидий фикрларини асос қилиб олишга мойиллик сезилса [6,7,8,9], бошқалар (У.Жўрақулов, Н.Рамазонов) шарқ мумтоз поэтикасига ҳам суянишни ёқлаб чиқмоқдалар [10,11]. Албатта, юқорида номлари тилга олинган олимлар Ғарбни Шарқдан ажратиб қарашмайди. Асло. Фақат уларнинг бадиий асарни текшириш методларида баъзан Ғарбча кайфият устун бўлса, баъзан Шарқнинг мезонларига меҳри билиниб туради. Гап шу ерда, холос. Зеро, ҳар икки қарашнинг ҳаётбахш кучини эътироф этган ҳолда, таъкидлаб айтиш жоизки, янги, замонавий адабиётшуносликнинг бағри кенг бўлмоғи лозим. Шу маънодаки, Ғарбдир Шарқдир, оқдир-қорадир, қаерда ва ким бўлиб яшашидан қатъи назар, инсон барибир инсон. Дунёнинг тўрт бурчагида яшаётган одам боласининг ёруғ олам билан алоқа қилиш воситаси бешта сезги аъзосидир. Бу дегани шуки, одамлар қаерда яшамасин, уларни бир-бирига яқин айлайдиган муштарак тушунчалар тўлиб тошиб ётибди. Айни чоғда, улар турли-туман иқлим, маданият ва ҳаёт шароитларида яшагани боис дунёни тушуниш ва тушунтиришда ўзига хос тафовутнинг бўлиши ҳам ғоят табиий. Назаримда, бадиий асарни тавсифу таҳлил қилишга қаратилган замонавий адабиётшунослигимизнинг поэтик ўлчовлари, мезонлари ана шу содда ҳақиқатнинг мустаҳкам устунларига таянмоғи зарур. Бошқача айтганда, янги адабиётшуносликнинг битта томири Ғарб адабий-эстетик тафаккури тажрибасидан сув ичса, бошқаси Шарқнинг мумтоз поэтикаси булоғидан баҳра олиши шарт! Албатта, бу гаплар, илм учун янгилик эмас. Ўзбек адабиётшунослигининг қандай бўлиши кераклиги XX аср аввалидан бери у ёки бу даражада ўрганиб келинаётган муаммо. Ўтган асрнинг 90-йилларидан кейинги эврилишлари боис эса муаммонинг долзарблик қирраси яна-да ўткирлашди. Бори - шу. Чунки бугунги инсонни ўраб турган дунё буқаламундек турланиб кетди. Бинобарин, замонавий илм ўз даврига муносиб бўлмоғи, шу даврнинг ўзак моҳиятини, унинг яшаш, ўзлигини намоён этиш қонуниятларини очиб бермоғи зарур. Йўқса, у илм бўлмайди. Бас, шундай экан, ўзгариб, турланиб бораётган оламнинг қаршисида туриб янги, замонавий адабиётшунослик илмининг бугуни ва эртаси ҳақида гапириш айни муддао. Чунки биргина адабиётшунослик тарихига бир қур назар ташлашнинг ўзиёқ айтиб турибдики, илм дунёнинг ўзгариши билан бир маромда қадам ташлаган, янгиланиб борган. Асло бир жойда тўхтаб қолмаган. Жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш алал-оқибатда уни тушуниб ва тушунтириб бераётган устқуртма соҳалари тизимидаги новаторликларни тақозо этган. Демак, янгилик яшаш тарзимизнинг ажралмас бир қисми экан, ундан чўчимас эканмиз, хўш, замонавий ўзбек адабиётшунослиги қайси йўлдан – кимнинг ортидан боради? Бу борада юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий-тарихий жиҳатдан илғорроқ мартабаларда турган, биз етиб келган тарихий паллани нисбатан олдинроқ босиб ўтган халқларнинг тажрибасига бағримизни очишимиз тўғри эмасми? Ахир, ҳатто рус адабиётшунослиги маълум маънода немис, француз, америка каби илғор адабиётшуносликка суяниб келади-ку. Ихтиро қилинган нарсани қайтадан кашф қилишга умр ва кучни сарфлаш исрофгарчилик бўлмайдими? Тўғри, ўзга халқларнинг ўз қадриятлари, дунёқараши ва менталитетлари бор. Баъзан улар дунёга бошқача ракурсдан туриб қараши, уни ўзига хос тарзда баҳолаши мумкин. Шундай вақтда Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётшунослигининг улуғ ўгитларига, унинг яшовчан, ўлмас мезонларига суяниш жоиз. Ҳар икки ўлчов ҳам иш бермаган чоғда, албатта, ўзлигимиз ва дунё кесишган нуқтада туриб янгисини яратишимиз даркор бўлади. Ўйлашимча, чинакам замонавий адабиётшунослик ана шу тоғларга суяниб, даврни, замондош инсоннинг кайфиятини теран ҳис қилган ҳолда ўз йўналишини белгилаб олиши керак. Чунки йўлнинг бошидаги хато қимматга тушиши ҳеч кимга сир эмас. Йўл тўғри танлансин, тўғри йўлдаги хатолар бутунлай янглиш йўналишга тушиб олиш қаршисида жудаям кичкина бўлиб туюлади. Мисол учун муайян бир халқнинг ўзак қадриятларига ёт андозани муайянлаштириш ва у билан бадиий асарни баҳолашга уриниш алал-оқибатда миллат руҳиятида хаосни туғдириши муқаррар.

Шунинг учун ҳам мос тушиш-тушмаслигидан, ишга яраш-ярамаслигидан қатъи назар, бегона ту-

шунча ва терминларни ўлчов ва мезон сифатида адабиётшуносликка тиқиштираверишлик алал-оқибатда миллатнинг руҳий-маънавий пойдеворини қимирлатиб қўйиш билан баробар. “Европалаштиришнинг энг оғир оқибатларидан бири шуки, у миллий бирликни йўқ қилади, халқнинг бир бутун миллий вужудини парчалаб ташлайди”, деб ёзади Н. Трубецкой[4;129]. Бир нарсага эътибор бериш лозимки, Европалаштиришдан ташқари дунёда яна шундай кўпдан кўп маданий истилолар мавжуд бўлиб, уларниям ёддан чиқармаслик зарур бўлади. Қолаверса, эволюцион жиҳатдан қуйироқдан жой олган ҳар қандай миллат ривожланган бошқа ҳар қандай миллатнинг яшаш ва тафаккур тарзидан тортиб, турмушда ишлатадиган энг оддий буюмигача тақлид қилади. Бундай кўз юмилмайди. Лекин тақлид пировардида ўша миллатнинг ўзлигини йўқотиб қўйишига олиб келмаслиги керак. Ҳамма гап шу ерда.

Демак, ҳар қандай миллатнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларининг ўлчови баъзан шу халқнинг адабиётшунослигида специфик ёндошувларни, махсус мезонларни тақозо қиладики, бундан воз кечиб, уни менсимай, ҳаммасини бир хил андоза билан ўлчаб, баҳосини беришга интилиш энг камида шу халқнинг, унинг адабиётининг зарарига хизмат қилар экан. Хўш, нега? Чунки урф-одати, қадриятлари, руҳий олами, дунёқараши билан ўзгалардан ажралиб турмайдиган камроқ сонли халқнинг ҳолига вой: у миллат сифатида тарих саҳнасидан тушиб қолади: унинг вужуди яшайди, лекин ўзлиги, маънавий-руҳий дунёси бўлмайди – кўпсонли халқнинг бағрига кириб-сингиб кетади, ассимиляция бўлади. Ахир, оламнинг бетакрорлиги, гўзаллиги ундаги хилма-хиллик ва ўзига хослик билан белгиланади-ку! Ҳаммасини айнилаштириш, ўхшаш андозалар билан баҳолашнинг тузатиб бўлмас натижаларга олиб келиши кундек равшан. Айни дамда ўзликни қўриш ва севиш бора-бора илмдаги шовинизмга, ўзгага эргашиш, ўзгадан ўрганиш эса илмдаги космополитизмга айланмаслиги лозим. Бир пайтнинг ўзида ҳам шовинизмнинг ва космополитизмнинг тўрига тушиб қолмасликнинг йўлини қилиш мумкин эмасдек туюлади. Аслида-чи? Аслида бундан ўзга йўлимизнинг ўзи йўқ: олтин ўрталик! Ҳамма гап ана шу ўрталиқдаги меъёрни сақлай билишда. Ўзликни, миллатнинг маънавий қиёфасини сақлаган ҳолда юксак ва илғор дунёқарашга эга бўлиш салоҳиятини намоён қила олишда! Инсоният маданиятини симфоник характерга эга, деб билади Ю.Д.Колпинский. Ушбу фикрга таянган Е.Хализев ёзади: “Оркестрнинг тўлақонли янграши учун ҳар бир миллий маданият чекига ўзининг бутун хусусиятларини акс эттирувчи муайян чолғу асбоби ролини ўташ вазифаси тушади” [3;].

Бугунги ўзбек адабиётшунослиги ана шу ғоят нозик, шу билан бирга халқимизнинг бадиий-эстетик қадриятларини муносиб баҳолай олишга қодир йўлдан боради, дея умид қиламиз. Зеро, бунга асосимиз бор. Чунки олимларимиз, бир томондан, Шарқ мумтоз поэтикасининг тарихию асосларини тадқиқ этиб бораётган (Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Ҳ.Болтабоев, Н.Жумахўжа, Н.Жаббор ва б.) бўлса, бошқа ёқдан ғарб ва рус адабий-танқидий тафаккури меваларини илмий истеъмолга тортиш сари (У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, А.Расулов, Д.Қуронов, С.Мели ва б.) амалий ишларни юзага чиқараётирлар. Янги, замонавий ўзбек адабиётшунослигининг йўли ана шу ҳаракатларнинг муваффақиятли синтезида эканига шубҳа йўқ.

АДАБИЁТЛАР:

1.Григорьева Т.П. Дао ва Логос. (Маданиятлар учрашуви). М.;1992.С.39, 127
2. Реизов Б.Г. Вопросы методологии литературоведения.М.;1966.С.183
3. Хализев Е. Теории литературы. М.;Высшая школа.1999
4.Трубецкой Н.С. Тарих. Маданият. Тил. М.; 1964. С.89, 129
5. Шарқ мумтоз поэтикаси / Нашрга тайёрловчи проф. Ҳ. Болтабоев.- Т., 2006
6.Норматов У. Ижод сеҳри. Т.: Шарқ, 2007
7.Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик.- Т.: Шарқ, 2007
8.Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз.- Т.: Янги аср авлоди, 2006
9.Содиқ С. Ижоднинг ўттиз йили.- Т.: Шарқ, 2002
10.Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008, 4 январь
11. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008, 11 январь
12. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари.- Т.: Фан, 2007

ЎзФА Тил ва адабиёт институти,
2009 йил 27 октябрда қабул қилинган.
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)